

XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 33 254,1 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилда 597,4 минг кишига ёки 1,8 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 16 805,0 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 449,1 минг кишини (49,5 %) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2019 йил 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	33254,1	16 805,0	16 449,1	101,8	101,6	102,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1869,7	917,5	952,2	101,5	101,3	101,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	3066,7	1 603,1	1463,6	101,8	101,7	101,9
Бухоро	1899,5	706,1	1193,4	101,6	101,1	101,9
Жиззах	1352,1	634,3	717,8	102,0	101,9	102,1
Қашқадарё	3213,3	1383,6	1829,7	102,1	101,9	102,2
Навоий	974,3	473,1	501,2	101,7	101,2	102,2
Наманган	2752,7	1777,4	975,3	102,0	101,9	102,0
Самарқанд	3798,7	1413,9	2 384,8	102,1	101,7	102,4
Сурхондарё	2569,3	910,4	1 658,9	102,2	101,9	102,3
Сирдарё	829,7	354,7	475,0	101,7	101,3	102,0
Тошкент	2898,7	1427,5	1 471,2	101,3	101,1	101,5
Фарғона	3683,1	2082,5	1 600,6	101,7	101,6	101,9
Хоразм	1835,5	610,1	1 225,4	101,7	101,5	101,8
Тошкент шаҳри	2510,8	2510,8	х	101,9	101,9	х

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси МДХ мамлакатлари аҳолисининг 9,6 %ни ташкил қилган бўлиб, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 11,7 %ни ташкил этди (МДХ мамлакатлари миллий статистика идоралари расмий веб сайти маълумотлари асосида).


Республика ҳудудлари кесимида 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3798,7 минг кишини (республика аҳоли сонигаги улуши 11,4 %), Фарғона вилоятида 3683,1 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 3213,3 минг кишини (9,7 %) ва Андижон вилоятида 3066,7 минг кишини (9,2 %) ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2019 йил 1 январь ҳолатига; республика жами аҳолисига нисбатан, % да)



Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2019 йил 1 январь ҳолатига; жамига нисбатан % да)



Дастлабки маълумотларга кўра 2019 йил 1 январь ҳолатига Республика доимий аҳоли сонининг 30,3 %и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 59,5 %и меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,2 %и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аҳолининг ўртача ёш
(2018 йил январь-декабрь, ёш)

	Аҳолининг ўртача ёши	Оиланинг биринчи туғилишдаги ўртача ёши	Илкбор никоҳга кирувчиларнинг ўртача ёши	
			Эркаклар	Аёллар
Ўзбекистон Республикаси	28,8	23,7	27,0	22,9
Қорақалпоғистон Республикаси	28,2	23,9	27,5	24,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	28,9	23,4	27,1	22,6
Бухоро	29,9	23,8	26,1	22,9
Жиззах	27,8	24,0	27,4	23,3
Қашқадарё	27,2	23,8	27,1	22,7
Навоий	29,2	24,2	26,8	23,3
Наманган	28,5	23,4	26,4	22,1
Самарқанд	27,8	23,1	26,9	22,3
Сурхондарё	27,0	24,1	27,4	23,2
Сирдарё	27,8	24,3	27,9	23,6
Тошкент	30,3	23,9	27,5	23,4
Фарғона	29,4	23,2	26,5	22,1
Хоразм	28,3	23,9	26,0	23,0
Тошкент ш.	32,9	24,3	28,2	23,9

Ўзбекистон Республикаси аҳолиснинг табиий ҳаракати
(январь-декабрь)


Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2017 йил	2018 йил	2017 йил	2018 йил
Туғилганлар	715,5	768,3	22,1	23,3
Ўлганлар	160,7	154,7	5,0	4,7
<i>шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар</i>	8,2	7,5	11,5 ¹⁾	10,3 ¹⁾
Никоҳлар сони, минг	306,2	311,4	9,5	9,4
Ажримлар сони, минг	31,9	32,3	1,0	1,0

¹⁾ 1000 тугилганга

Туғилиш. 2018 йил январь-декабрь ойларида 768,3 мингта бола туғилганлиги (бу ерда ва бундан кейин туғилганлар сифатида фақат тирик туғилганлар инобатга олинган) қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига (715,5 минг бола) нисбатан 52,8 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 23,3 промиллени ташкил этди.

Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти

(2018 йил январь-декабрь)



2018 йил январь-декабрь ойларида энг кўп туғилиш август ойида, яъни 80,4 минг бола қайд этилганлиги кузатилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Самарқанд (24,4 промилледан 26,2 промиллега), Жиззах (23,6 промилледан 25,2 промиллега), Наманган (22,9 промилледан 24,4 промиллега), Бухоро (20,0 промилледан 21,3 промиллега), Тошкент (19,3 промилледан 20,6 промиллега), Андижон (22,6 промилледан 23,8 промиллега), Қашқадарё (24,6 промилледан 25,8 промиллега), Фарғона (21,0 промилледан 22,2 промиллега), Хоразм (21,0 промилледан 22,0 промиллега) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси (20,6 промилледан 21,6 промиллега) ва Тошкент шаҳрида (17,7 промилледан 18,6 промиллега) қайд этилди.


Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида энг юқори туғилиш 2018 йилда, яъни 768,3 минг бола, аксинча энг паст – 2003 йилди, яъни 508,5 минг бола қайд этилгани кузатилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (26,8 промилле), Самарқанд (26,2 промилле), Қашқадарё (25,8 промилле), Жиззах (25,2 промилле), Наманган (24,4 промилле) ва Андижон (23,8 промилле) вилоятларида кузатилди.

Туғилиш коэффициенти юқори даражаси 1991 йилда – 34,5 промилле, аксинча паст коэффициент – 2003 йилда, яъни 19,8 промилле кузатилган.

2018 йилнинг январь-декабрида туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича 36,3 % и биринчи болага (2017 йил январь-декабрь ойларида - 36,9 %), 34,0 % и иккинчи болага (2017 йил январь-декабрь ойларида - 34,6 %), 29,7 % и учинчи ва ундан кўп болага (2017 йил январь-декабрь ойларида - 28,5 %) тўғри келди.

Туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича тақсимланиши, %




Ўлим. 2018 йил январь-декабрь ойларида ўлганлар сони 154,7 минг кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан (160,7 минг киши) 6,0 минг кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил этди (2017 йил январь-декабрида - 5,0 промилле бўлган).

2018 йил январь-декабрь ойларида энг кўп ўлим июль ойида, яъни 14,2 минг киши қайд этилгани кузатилди.

Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффициенти

(2018 йил январь-декабрь)



Ўлим коэффициентининг паст даражаси Қашқадарё (4,1 промилле), Бухоро, Жиззах, Сурхондарё (4,2 промилле), Навоий, Самарқанд (4,3 промилле) Наманган, Хоразм (4,5 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Ўлим коэффициенти юқори даражаси 1993 йилда – 6,6 промилле, аксинча паст коэффициент – 2018 йилда, яъни 4,7 промилле кузатилган.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 60,3 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,7 % и ўсимталардан, 6,5 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,6 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,0 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 1,5 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,4 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан, %)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 7,5 минг нафарни ташкил этиб, гўдақлар ўлими коэффиценти 10,3 промиллени (2017 йил январь-декабрда - 11,5 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдақлар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида 14,2 (1000 тирик туғилганга), Андижон 15,2, Хоразм 13,3, Наманган 12,7 ва Сирдарё 12,5 вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 13,2, кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 60,5 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 16,8 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 11,7 % и туғма аномалиялардан, 2,5 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,3 % и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,7 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,5 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида дастлабки маълумотларга кўра 148 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффициенти эса 19,3 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.


Оналар ўлими коэффициенти юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида 27,4 (100 минг тирик туғилганга) ва Навоий 27,9, Сирдарё 27,3, Тошкент 27,0 вилоятларида қайд этилди.

Жами вафот этганларнинг 7,9 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга (2017 йилнинг январь - декабрда – 8,3 %), 30,5 % и - меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга (2017 йилнинг январь - декабрда – 27,7 %) ва 61,6 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар (2017 йилнинг январь-декабрда – 64,0 %) ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 61,6 % ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

Ўлганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан), %




Никоҳ. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 311,4 минг никоҳ қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 9,4 промиллени ташкил этди.

2018 йил январь-декабрь ойларида энг кўп никоҳ октябрь ойида, яъни 44,6 минг бирлик қайд этилгани кузатилади.

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Сирдарё (9,2 дан 10,1 промиллега), Жиззах (9,9 дан 10,4 промиллега), Тошкент (8,3 дан 8,7 промиллега), Андижон (9,6 дан 10,0 промиллега), Фарғона (9,4 дан 9,7 промиллега) ва Тошкент шаҳри (7,8 дан 8,2 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг юқори даражаси 1991 йилда – 12,9 промилле, аксинча паст коэффициент – 2004 йилда, яъни 6,0 промилле кузатилган.

**Худудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти
(2018 йил январь-декабрь)**




Никоҳдан ажралишлар. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 32,3 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,0 промиллени ташкил этди.

2018 йил январь-декабрь ойларида энг кўп никоҳдан ажралиш октябрь ойида, яъни 3,0 минг бирлик қайд этилгани кузатилди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Андижон (1,1 дан 1,4 промиллега), ва Тошкент шаҳрида (1,5 дан 1,7 промиллега) кузатилди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг юқори даражаси 1991 йилда – 1,6 промилле, аксинча паст коэффициент – 2001 йилда, яъни 0,6 промилле кузатилган.

**Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти
(2018 йил январь-декабрь)**



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 160,0 миң кишини, кўчиб кетганлар сони эса 176,2 миң кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 16,2 миң кишини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврида минус 18,6 миң кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Тошкент (минус 5,6), Қашқадарё (минус 4,2), Самарқанд (минус 3,7), Бухоро (минус 2,9), Сурхондарё (минус 2,3) Андижон (минус 1,9), вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 4,2) қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 15,3) кузатилди.


Аҳоли миграцияси
(январь-декабрь, минг киши)

	<i>Келиш</i>		<i>Кетиш</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
Ўзбекистон Республикаси	157,1	160,0	175,7	176,2	-18,6	-16,2
Қорақалпоғистон Республикаси	10,7	10,8	15,0	15,0	-4,3	-4,2
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	6,3	6,6	8,4	8,5	-2,1	-1,9
Бухоро	6,8	6,1	9,0	9,0	-2,2	-2,9
Жиззах	9,3	11,1	10,5	12,1	-1,2	-1,0
Қашқадарё	11,1	11,0	15,0	15,2	-3,9	-4,2
Навоий	13,0	13,1	13,9	14,3	-0,9	-1,2
Наманган	4,2	4,6	5,4	5,7	-1,2	-1,1
Самарқанд	10,3	11,9	15,3	15,6	-5,0	-3,7
Сурхондарё	14,5	11,9	16,1	14,2	-1,6	-2,3
Сирдарё	7,7	8,6	8,4	9,3	-0,7	-0,7
Тошкент	18,8	19,2	25,1	24,8	-6,3	-5,6
Фарғона	13,2	13,3	15,3	14,7	-2,1	-1,4
Хоразм	6,6	6,3	7,7	7,6	-1,1	-1,3
Тошкент ш.	24,6	25,5	10,6	10,2	14,0	15,3

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 2,8 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 19,0 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Тожикистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 28,1 %), Қозоғистон Республикаси (27,5 %), ва Россия Федерацияси (24,1 %), Қирғизистон Республикаси (9,7 %) ва бошқа мамлакатлар (10,6 %) ҳиссаларига тўғри келади.

**Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан
кўчиб келганларнинг тақсимланиши**
(2018 йил январь-декабрь ойларида, жами жориждан кўчиб келганларга
нисбатан, %да)



Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 47,2 %), Қозоғистон Республикаси (47,1 %), Америка Қўшма Штатлари (1,2%), Исроил (0,7 %), ва бошқа мамлакатлар (3,8 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатларга
кўчиб кетганларнинг тақсимланиши**
(2018 йил январь-декабрь ойларида, жами жориждан кўчиб кетганларга
нисбатан, %да)

